*Ҳамюртларимиз — халқаро майдонда*

*Жоао АВЕЛАНЖ:*

# «МЕН ЯНГИ ФУТБОЛ ВАТАНИНИ КАШФ ЭТДИМ»

***Бу йилдан бошлаб футбол бўйича республика миллий терма жамоамиз 1998 йилда Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилигига саралаш учрашувларида иштирок этади. Албатта, ҳар бир футбол ишқибози миллий терма жамоамизнинг тайёргарлиги, кайфияти ва имкониятлари ҳақида олдиндан билишни истайди. Биз ҳам худди шу мақсад билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Т. Тўлагановга мурожаат этдик. Шавкат Тўлаганов — Афро-Осиё миллатлараро кубогининг Лагос шаҳрида бўлиб ўтган такрорий учрашувида делегациямизга раҳбарлик қилган эди.***

**— Шавкат Тўраевич, хорижда футболчиларимизга бўлган эътибор, муносабат қандай?**

— Қатъий таъкидлашим мумкин: хорижда футболчиларимизга бўлган қизиқиш жуда кучли! Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, XII Осиё ўйинларининг якунида японлар ва бутун Осиё қитъасидан тўпланган ишқибозлар илк бор зафарли юриш қилаётган ёш жамоани олқишлаб, «Яшасин, Ўзбекистон» сўзларини ўрганишган, майдонда бор овоз билан уларни қўллаб-қувватлаганлар. Нигериядаги учрашув ҳам терма жамоамиз эришган шуҳратни яна бир бор намойиш этди. Бизни Лагос аэропортида Нигерия футбол Федерацияси раҳбарлари, кўплаб журналистлар катта тантана билан кутиб олишди. Шу ернинг ўзидаёқ иш режаларимизни келишиб олгач, бизни шундоққина Атлантика океани соҳилидаги «Федерал палас отел» меҳмонхонасига жойлаштиришди.

Терма командамиз учрашувгача машғулотларни стадионнинг қўшимча майдончасида олиб борди. Шуни айтиш керакки, терма командамизнинг учрашувга тайёргарлик жараёни ҳам мухлисларни, мутахассисларни бефарқ қолдирмади. Машғулотларимизни кўриш учун ҳар куни стадионга 10.000 га яқин ишқибозлар тўпланарди. Ўйинчиларимизнинг ҳар бир ҳаракатлари, зарбаларини улар олқишлаб туришди. Нигерия халқи оддий, меҳмондўст, очиқкўнгил, шу билан бирга футболни жуда севишар экан.

Биз учрашув бошланишига бир соат қолганда стадионга етиб келдик. Аллақачон стадионнинг ўриндиқлари мухлислар билан лиқ тўлган, ўйингоҳга киролмай юрган ишқибозларнинг саноғига етиш қийин эди. Стадионнинг дастлабки уч қаторини барабанчилар банд этишганди. Барабан ва ҳар хил Нигерия миллий мусиқаси садолари бутун ўйин давомида қулоқни қоматга келтириб турди.

Учрашувда ФИФА президенти Жоао Авеланж иштирок этди. Ўйин Африканинг деярли барча давлатлари ойнаи жаҳонлари орқали олиб кўрсатилди. Учрашувгача ва танаффус пайтида стадион югуриш йўлакчаси бўйлаб Ўзбекистон байроғи кўтариб ўтилганда ишқибозлар гулдурос қарсаклар билан олқишлашди. Ўйин бошланишида эса давлатимиз мадҳияси янгради.

**— Жаноб Авеланж Ўзбекистонга келармиш, деб эшитдик...**

— Тўғри. Танаффус пайтида биз ФИФА президенти Жоао Авеланж билан суҳбатлашдик. Жаноб Авеланж «Жаҳондаги энг кучли жамоалардан бири билан тенгма-тенг курашаётган футболчиларингизни кўриб, мен янги футбол ватанини кашф этдим», деди. «Ўзбекистон терма командасининг XII Осиё ўйинларидаги зафарли юриши тўғрисида хабардор эдим, бугун эса шу жамоани ўз кўзим билан кўриб турганлигимдан бахтиёрман», дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Сўнгра ФИФА президенти мустақил Ўзбекистонимиз, унинг халқи, урф-одатлари билан қизиқди. Унга шахсан Президентимиз Ислом Каримов спортга, футболни ривожлантиришга катта эътибор бераётганлиги ҳақида ҳикоя қилдик. Сентябрь ойида Тошкентда Марказий Осиё ўйинлари ўтказилганлиги, унда Халқаро Олимпия Қўмитасининг президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч иштирок этганлигини айтиб, Жоао Авеланжга ушбу ўйинларнинг рамзи туширилган кўкрак нишонини топширдик. ФИФА президенти иш режаларини кўриб чиқиб, келгуси йилнинг сентябрь ойида албатта Ўзбекистонга бораман, деб ваъда берди.

**— Сафар таассуротларидан чиқарган умумий хулосангиз қандай?**

— Сафардалигимизда шу нарсага яна бир бор ишонч ҳосил қилдик: Ватанимизнинг гўзаллиги, унинг халқи, бойлигини хориж билан таққослаб, биз келажаги буюк давлатда яшаётганлигимиздан ғурурланиб қайтдик. Бизда барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам, футболда ҳам катта ишлар қилиняпти. Биргина мисол. Нигерия билан учрашувдан сўнг қаерга бормайлик, оддий халқ, ишқибозлар футболчиларимизни илиқ қарши олишди, уларнинг маҳоратларига тан беришди. Миржалол Қосимовга эса, ишқибозларнинг қизиқиши бир зум бўлсин, сусаймади. Павел Бугалони «Жаҳоннинг энг кучли дарвозабони, биринчи рақамли дарвозабон бу — Бугало», деб олқишлашди. Бу ҳолат то аэропортдан учиб кетгунимизга қадар давом этди.

Жаҳоннинг энг кучли жамоаларидан бири бўлган Нигерия терма жамоаси билан учрашувдан сўнг бизнинг футболимиз ривожланишнинг тўғри йўлидан кетаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Фақатгина терма командаларимиз, клубларимиз хорижга тез-тез, кўпроқ чиқишлари, кучли рақиблар билан учрашишлари керак экан. Ўшанда тажрибамиз бойийди. Футболчиларимизнинг маҳоратлари ошади. Муҳими, юртимиз, футболимиз билан жаҳон халқи танишади.

Комил ЭРМУҲАММАД ва
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ суҳбатлашишди.




## ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

❑ Она бўлган билар она қадрини.

* * *

❑ Ёмонни танқид қил,
Яхшига тақлид қил.

* * *

❑ Яхши ёрга йўлдош бўлсанг,
муродимга етдим де.
Ёмон ёрга йўлдош бўлсанг,
қаро ерга кетдим де.

❑ Куёвларни пайғамбарлар сийлаган,
Қайноналар уларни сийпалаган.

❑ Билимли бой бўлади,
Билимсиз лой бўлади.

Мақсуда СОДИҚОВА.

*Ҳангома*

## ИККИ НУСХА МАЪРУЗА

Маҳалла қўмитасининг раиси ўз хонасида устига қалпоқча кийгизилган чойнакдаги кўк чойни майдалаб ичиб ўтирган эди, хонага қоғоз папкасини қўлтиқлаб котиб кириб келди.

— Ҳа, келдингми, қани, ўтирчи, — деди раис қўлидаги пиёлани стол устига қўяркан, — гап бундай ука. Эртага маҳалла қўмитаси оқсоқолларининг йиғини бўларкан. Ҳозиргина қўнғироқ қилиб айтишди. Мен ҳам сўзга чиқар эмишман. Сен, бола, мактаб кўрган йигитсан, бунинг устига дасхатинг ҳам қурғур чиройли. Шунинг учун ҳамма ишларингни йиғиштириб, маҳалланинг ишлари ҳақида беш-олти минутга мўлжаллаб, доклад тайёрлаб берсанг. Эртага эрталаб қўлимда бўлиши керак. Тушундингми? Ҳа, айтгандай, ўзингнинг гапинг бор-ку, нима эди? «Гапнинг калтаси, ишнинг каттаси яхши» деган. Шундайми? Ўрни келганда шу мақолингни ишлатиб қўй, укдингми? Хўп бўлмаса, мен кетдим. -

Раис бува ўрнидан туриб иши зарурлигини айтиб хонадан чиқиб кетди.

Эртаси куни йиғинда иккинчи бўлиб раис бувага сўз берилди. Раис бува йиғилганларга қараб тайёрлаб берилган матнни ҳижжалаб ўқиб бермоқда. Орадан етти-саккиз дақиқа вақт ўтиб кетди. Раис ҳамон ўқишда давом этарди. Ўн дақиқа ўтди. Мажлис раиси қаламни орқаси билан графиннинг қорнига уриб, вақти тугаганлигини айтиб, огоҳлантириб кўрди. Залдан «Битта гап икки қайта қайтарилмасин» деган луқмалар ҳам тушди. Раис бува нима қилишини билмай минбарда серрайиб туриб қолди. Гапни тўхтатиб минбардан тушиб кетай деса ҳали докладни охиригача ўқиб тугатгани йўқ. Ўқишни давом эттирай деса қарсак чалиб давом эттиришга имкон беришмаяпти. Раис чўнтагидан рўмолчасини олиб, тер босган пешонасини артар экан мажлис раисидан яна икки дақиқага рухсат олиб, маърузани аранг охиригача ўқиб берди.

Мажлисдан ўсал бўлиб қайтиб келган раис маърузани зарда билан котибнинг олдига улоқтириб деди:

— Сенинг исминг аслида маҳмадона бўлиши керак экану, онанг адашиб Маҳаматали қўйган экан. Мени шарманда қилдинку сен бола. Мен сенга айтдимки доклад беш-олти минутдан ошмасин, деб? Наҳотки ўн икки минут деганда аранг тамом қилсам! Ер ёрилмади, ерга кирмадим.

Котиб йигит ажабланиб стол устида сочилиб ётган докладни йиғиштириб олди-да варақлаб кўздан кечириб туриб, бирдан хахолаб кулиб юборди:

— Эй ўлманг, раис бува! Ахир бу икки нусха-ку. Бундан чиқди битта докладни икки қайтадан ўқиб берибсиз-да. Тоқат қилиб эшитганлар ўлмасин-ей.

— Нима? Нима дединг... Икки нусха дедингми?...

Аброр ШАЙХОВ.

*Боланинг тили ширин*

## БЎЁҚ ҚАЛАМ

Ҳасан ва Ҳусан — набираларим тўрт ёшга бораётган дамлар эди. Ҳамма болалар қатори уйқудан эрта туришиб, мендан конфет сўрашди.

— Йўқ эди болам, ҳали ишдан кейин олиб келаман! — дейман илтижо билан тикилиб турган кўзларига қаролмай.

— Йўқ, сизда бор! — дейди сумкамга ёпишиб Ҳасан.

— Наҳотки, конфет бўла туриб сизлардан қизғансам? — дейман уларнинг сочларини силаб.

— Бор, сизда бор, буважон! — дейишади улар бараварига.

Кечагида яхши ният билан набираларимга деб тўй дастурхонидан бир жуфт конфет олдим. У чўпдай узун, турфа ранг қийқим қоғозларга текис ўралган попук конфет экан. Худди бўёқ қаламнинг ўзгинаси!

— Вой, бўёқ қалам! — деди Ҳасан.

— Вой, бўёқ қалам! — деди Ҳусан.

Улар баробар чапак чалиб юборишди. Болаларим учун байрам бўлиб кетди. Попукконфетнинг бош томонидан озгина ерини очиб бердим. Иккисининг ҳам қўлида попукконфет: тиззамга баробар тик туриб олиб, икки ёндан икки бетимга шимилиб, учлари ялтираб турган попукконфетни сўра бошлашди.

— Ҳай, болаларим, нима қилаяпсизлар, юзим шира бўлиб кетди-ку, айланайларим, — дедим уларни тиззамдан пастга туширмоқ бўлиб.

— Ўз сувратимни чизаяпман! — деди Ҳасан,

— Ўз сувратимни чизаяпман! — деди Ҳусан.

## АНВАРЖОН ҚАЕРЛИК?

Боғча ҳовлиси гавжум эди. Мен Ҳасан ва Ҳусан набираларимни уйга олиб кетгани борган эдим. Тўрт-беш боланинг баҳси устидан чиқиб қолдим. Мени узоқдан кўриб қолган Ҳасанжон менга қараб югурар экан:

— Буважоним ҳамма нарсани биладилар! — деб қолди. Қўлларимдан тутганча боғчадошлари ёнига етаклади. Мен нима гаплигидан бехабар етовга тушдим.

— Буважон, — деди Ҳасан болалар даврасига етиб.

— Мана бу боланинг исми Анвар. Ўзи Тошкентда туғилган. Аяси андижонлик, отаси самарқандлик экан. У қаерлик бўлади энди?..

Жажжи болаларнинг саволидан кулиб юбордим:

— Анваржон ўзбекистонлик бўлади! — дедим.

## БЎЛАҚОЛ, ҚИЗАЛОҒИМ

Ёзнинг жазирама кунлари. Ҳовлидаги пастаккина сўрида болишга суяниб ёнбошлаган ҳам эдим-ки, Ҳасан билан Ҳусан кўча томондан чопиб келиб сўрига чиқишдию:

— Буважон, хачу бўлинг! — дея қисталангига олишди.

Эгизак набираларим миниб, мен от бўлиб тиззалаб юра бошлаганимда бошқа набирам Шириной боғчадан келиб қолди. У ҳовли юзасида бизни кузатиб туриб, Ҳасан ва Ҳусанларга ҳаваси келиб қолди чоғи, лип этиб сўрига кўтарилди:

— Буважон, хачуни ўғил болалар минадими?

— Ҳа, болам, ўғил болалар минади.

— Ундоқ бўлса... бир соатга ўғил бола бўлиб турсам майлими?

— Бўлақол, қизалоғим!

У Ҳасан билан Ҳусандан эндигина бўшаган белимга бир сакраб чиқиб олди-да:

— Юр, хачу! — деб буюрди.

Мен яна тўрт оёқлаб сўри айлана бошладим. Ҳасан билан Ҳусаннинг рашки қўзғаб, Ширинни устимдан йиқитиб юборишди. Ширин бу қилиқдан аразлади:

— Энди бир пасга ҳам ўғил бола бўлмайман, ана сизларга — деди-да яна сўридан тушиб кетди.

## СЎЗАМОЛ

Шоир Азиз Абдураззоқнинг набираси жуда сўзамол бола чиқди. Ҳадеб гап сўрайверади. Бийрон тил билан сўрамаган нарсангизни ҳам айтиб бераверади...

Кунлардан бир кун бобоси Азиз аканинг ўсиқ соқол-мўйлабларини силаб-сийпаб, эркаланиб ўтириб астойдил сўраб қолди:

— Бобожон, сиз ҳаммомга тушганда соқол-мўйлабингизни ечиб қўясиз-а?

## ТУГАБ ҚОЛАДИ-ДА

Ҳасан камтомоқ. Ҳусаннинг эса иштаҳаси яхши. Набираларим билан тушлик қилиб ўтириб, уларни зимдан кузатдим.

Ҳусан ўзининг овқатини еб тугатиб:

— Буважон! Мен еб бўлдим, — деди.

— Офарин, Ҳусанга офарин!— дедим уни эркалаб.

Ҳасан ҳамон овқатини қошиқ билан титкилаб, тимискиланиб ўтирар эди.

— Ҳасанжон, сен офарин олмайсанми? — деб сўрадим.

У бошини кўтармай оҳиста сўзланиб қўйди:

— Овқатимни еб қўйсам, тугаб қолади-ку, буважон!

САЙЁР.



*Ўқитувчилар уйида бўлиб ўтган республика кўрик-танловида юртимиздаги мактаблар ўзларининг ўқув-услубий ишланмалари ҳамда кўргазмали қуроллари билан иштирок этишди.*

*СУРАТДА: кўрик-танлов иштирокчиларидан бўлган мактабнинг кўргазмага қўйган ўқув қуроллари билан танишилмоқда.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

*Қуйи спорт бўғинларида*

## ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Миробод тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ўтган йил ёзида маҳаллалараро туман биринчилиги учун футбол мусобақаси уюштирилган эди. Ўйин икки гуруҳда ўтказилиб, ҳар бир гуруҳга 5—6 футбол командаси бириктирилди. Ҳатто 1—3-ўринлар учун мукофотлар ажратилди.

Маҳаллаларнинг футбол жамоалари икки гуруҳда уюшқоқлик билан ўйин ўтказдилар. Ўйиндан-ўйинга чиройли комбинациялар кўрсатиб футболчиларнинг тажрибаси ошиб бормоқда. Файзиобод, «Парвона», Дўстлик, Сарикўл, Биродарлик, «Шарқ юлдузи», Миробод маҳаллаларининг футболчилари ўз мухлисларини хурсанд қилишга ҳаракат қилдилар.

Темирйўлчиларнинг «Локомотив» стадионида тўп сурган жамоалар ҳар томонлама 1-гуруҳ жамоаларига нисбатан устун эканликларини кўрсатдилар. Айниқса, Сарикўл маҳалласининг ҳайдовчи, қурувчи, пайвандчи, олий ўқув юртида таълим олаётган талабалардан ташкил топган вакиллари бошқаларга қараганда энг кўп тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бор-йўғи 3 тўп ўтказиб юбордилар.

— Финал ўйинда 1-гуруҳнинг «Парвона» жамоаси билан майдонга тушишга тўғри келди, — дейди сарикўллик футболчиларнинг устози Д. Мамедов, — жамоалар ҳали жуда бўш. Ўйинчилар бир-бири билан қовушмайди. Натижада биринчи тайм 6:0 сарикўлликлар фойдасига ҳал бўлди. Умумий ҳисоб 8:2.

Шу куни Ҳамидулла Файзиҳўжаев, Алишер Саримсоқов, Ҳамидулла Ҳолиқовлар яхши ўйин кўрсатдилар. Сарикўллик Анвар Рашидов, Ҳасан Абдураззоқов, Ш. Холматов сингари етакчи ўйинчилар финал ўйинга тушмадилар. Биринчи ўрин эгасига мукофот берилди.

Аммо гап бунда эмас. Ташаббус бошланишга бошланди-ю, кейин ташлаб қўйилди. Ўйинга фақат маҳалла раислари қатнашди. Сарикўлликларни ҳисобга олмаганда бошқа биронта футболчиларда форма йўқ. 37 маҳалладан бор-йўғи 10 та маҳалланинг футбол вакиллари ўйинда қатнашганининг ўзи уюшқоқлик, ташкилотчилик йўқлигидан дарак берди. Биргина сарикўлликлар ҳамма ўйинни 6:2, 7:1, 8:3 сингари йирик ҳисобда ютди. Биринчи, иккинчи, учинчи ўрин учун қўйилган мукофотлар ҳам сансалорликка қолиб, биринчи ўринга берилди.

Ташаббус яхши. Уни ўрнига қўйиб, охирига етказилса ундан ҳам яхши бўларди. Маҳаллаларда футбол жамоалари ташкил топиши нур устига нур. Аммо уларга ёрдам кўрсатиш даркор. Кийим-бош, стадионлар ажратиш лозим. Шундагина меҳмон бўлиб келганлардан изза бўлмайсан.

Исматулла РУСТАМОВ,
Сарикўл маҳалласи оқсоқоли.

*Хоҳ ишонинг, хоҳ...*

## КЕЧИРАСИЗ, ФИЛЧИЛИК

Дуч келган одамдан сўрасангиз албатта «Филлар Ҳиндистонда кўп бўлади», деб жавоб беради. Лекин бугун ҳиндистонликларнинг ўзи ёввойи филларнинг сони йўқ бўлиб кетиш даражасига тушиб қолганидан ташвишда. Жаҳон табиат жамғармасининг берган хабарига қараганда бутун Ҳиндистон бўйича 24 минг фил қолибди, холос. Бу Осиё қитъасида мавжуд бўлган тўрт оёқли баҳайбатларнинг ярми деган сўз. Хўш, филларнинг бунчалар тез қирилиб кетишига нима сабаб? Биринчи навбатда одамлар деб айтсак тўғри бўлади. Яшаш учун янги ерлар очиш, ўрмонзорларни қирқиш барчага тушунарли гап. Бундай ҳолатларда филлар билан рўбарў келиб қолиш ҳеч гап эмас. Иккинчидан филнинг қимматбаҳо суяклари учун ов қиладиган браконьерларнинг нафси жуда ҳакалак отиб кетмоқда. Турли ёдгорликлар, модапараст аёлларнинг фил терисидан ишланган сумка ва чарм пальтолари учун йилига минглаб филлар нобуд бўлади. Ҳиндистон табиатни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари бу ўлканинг фахри бўлган филларнинг тақдиридан ниҳоятда безовта бўлмоқдалар. Охир-оқибатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги узоқ муддат давом этадиган миллий «Фил» деб аталган лойиҳани ишлаб чиқди. Лойиҳага кўра филлар эркин яшаши учун табиий шарт-шароитлар муҳайё қилинган 11 та махсуслаштирилган қўриқхона бунёд этилади. Ҳукуматнинг қарорига биноан браконьерларга қарши кураш олиб бораётган полиция қисқа муддат ичида 6 та катта тўдани қўлга олди.

Булардан ташқари Ҳиндистонда яшовчи барча аҳолининг онгига филлар ҳимояси умуммиллий аҳамиятга эга эканлигини сингдириш борасида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хуллас, филларга, умуман жонзотларга меҳр-муҳаббат кўзи билан қараш яқин келажакда ҳар бир ҳиндистонликнинг одатий иши бўлиб қолса керак.

## КИМ НИМАНИНГ ДАРДИДА

Буюк Британия «Би-Би-Си» радиоэшиттириш корпорацияси кейинги кунларда ниҳоятда қаттиқ қўриқланмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу эҳтиёт чоралари террорчиларнинг босқинидан ҳимояланиш учун эмас, балки малика Диананинг интервьюси ёзилган магнит тасмаларини қўриқлашдан иборатдир.

Барчага маълумки, малика Диана хоним гарчи расман ўз эри, тахт ворси шаҳзода Чарльздан ажралмаган бўлса ҳам алоҳида яшайди. Интервьюда у қирол оиласи билан нима сабабдан оралари бузилгани, шаҳзода Чарльз билан нега юз кўрмас бўлганлиги сабабини очиқ-ойдин айтган. Британиялик ҳокими мутлақларнинг расмий қароргоҳи саналган Букингем саройи учун ҳам Диананинг қарори кутилмаган иш бўлди. Малика ўзининг қайнонаси қиролича Елизавета IIни интервью телевидениеда кўрсатилишидан сал олдингина огоҳлантирди.

Малика Диананинг бахтига Буюк Британияда қирол оиласи аъзолари интервью бериши учун махсус рухсат олиш ҳақида қонун йўқ. Ўз-ўзидан маълумки Диананинг интервьюси унинг қирол оиласи билан бўлган муносабатини янада ёмонлаштиради, холос.

Аслини олганда маликанинг бу хатти-ҳаракати шаҳзода Чарльзга жавоб юришидир, холос. Чунки Чарльз «Ай-ти-ви» телевизион канали орқали ўзининг Камилла Паркер-Боулз билан кўп йиллардан бери давом этаётган ишқий саргузаштларини сўзлаб берган эди. Шаҳзоданинг бунчалик очиқ-ойдин тан олиши инглизларни ҳайратга солди. Чунки Камилла Дианачалик ҳусну-малоҳатга эга эмас. Жуда кўпчилик уни қиролича бўлади деб ўйлаб ҳам кўрмаган.

Шаҳзода билан малика бир-бирига «ўқ отиб» этаверсин, унинг фойдасини ким кўради? «Би-Би-Си»га аввалги «Тэтчер: «Даунинг-стритда кечган йиллар» дастури 640 минг фунт стерлинг фойда келтирган эди. Диана берган интервьюнинг фойдаси ундан ҳам баланд бўлиши кутилмоқда. «Би-Би-Си»нинг вакили: «Ушбу дастур барча рекордларни йўлда қолдириб кетишидан умидвормиз», деди.

Ким ниманинг дардида: эру хотин бир-биридан алам олиш билан, «Би-Би-Си» эса пул ишлаш билан овора.

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлади.

*Биласизми?*

## ДАЙДИ ЎҚҚА ҚАРШИ

Бельгиянинг Антверпен шаҳри. Ирсият соҳасида қатор тадқиқотлар олиб бораётган олим Рожер Мэтет бир қанча тажрибалари бесамар кетмаганидан боши осмонга етди. Нима учун?

— Оғироёқ аёллар! Мен ихтиро қилган янги, ажойиб малҳамни ичингиз, шунда фарзандларингиз ўқ ўтмас бўлиб туғиладилар! — Олимнинг ана шундай кутилмаган даъвати кўпчиликни ҳайратга солди.

— Минглаб одамлар ва ҳаттоки гўдаклар кунига ўқотар қуролдан ҳалок бўлишади, — дейди олим. — Кўп йиллик изланишларга қарамай биз уни ер юзидан йўқота олмадик. Шунда фақат сўнгги чора — ўқ ўтказмайдиган одамлар ирқини яратишга қарор қилдик. Тадқиқотлар учун умримнинг 15 йили сарф бўлди!

Аввалига олим қуёнлар, сигир, кейинчалик қўйларда ўз тажрибасини қўллади.

Доктор Мэтет бўлажак оналар танасига ўзи ихтиро қилган дорини юборади. Дорининг номланиши ҳам жуда антиқа — «Дерма—Ферма» ёки ДФ — кимёвий модда.

Таркиби эса металл ва бошқа маъданли моддаларга обдон тўйинтирилган. Юборилган дори ҳомила ирсияти билан қўшилиб қаттиқ, лекин эластик тери ҳосил қилади. Албатта олим ДФнинг афзаллигини инсонда эмас, балки жониворларда, аниқроғи буқани милтиқда отиб, намойиш этди. Теккан кучли ўқнинг зарбидан ҳайвон йиқилди, аммо у тезда ўрнидан турди, ўқ ҳам осонликча олиб ташланди. Бироқ бошқа олимлар ДФнинг қўлланилишини қатъиян ман этмоқдалар.

— Мэтетнинг тадқиқотлари кишини ниҳоятда ажаблантиради, — дейди таниқли биолог олим Франц Бланк, — лекин ўқ ўтмас жониворларни яратиш қаёқдаю бу усулни инсон дея аталмиш мураккаб мавжудотга қўллаш қаёқда. Бунинг учун камида беш йил давомида ДФ устида изланишлар олиб бориш керак. Жараён ҳаддан ташқари хавфлидир.

Ҳозирда Мэтет дорини Бельгияда, кейинчалик АҚШда сотилишини кўзламоқда. Тиббиётимиз уйғонгунича бегуноҳ одамларнинг яна қанчадан қанчаси «дайди ўқ»нинг зарбидан ҳалок бўлиши керак, дея куйинмоқда олим.

## СЕРГАПМИ, ЧАҚҚОН

Вақтнинг давомийлиги бўйича эркаклар кўп ишлашар экан, аммо аёлларимиз ана шу вақт мобайнида бир неча баробар ортиқроқ ҳажмда иш бажарарканлар. Маълум бўлишича, улар ўзига ниҳоятда талабчан, мақсадлари рўёбга чиқишида қатъиятли эканлар.

Агар кечки соат тўрт ярим—бешлар орасида ишхонадаги аёлларни синчиклаб кузатсангиз, уйга барвақтроқ кетиш учун ўз ишларини ғайрат билан ниҳоясига етказаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Бу вақтда эркакларни кузатсангиз, уларнинг таранг асабларининг бўшашиши айнан мана шу вақтга тўғри келади. Эркаклар беш ёки олтидан кейин ҳам уйларига кетиш учун унчалик шошилишмайди.

— Аёллар ўз зиммаларидаги юмушни бажариш учун ўша заҳотиёқ ҳаракатга тушиб қолишади, — дейишмоқда АҚШлик тадқиқотчи-олимлар. Уларнинг кузатишларига қараганда, иш вақтида эркаклар аёллардан ҳам кўпроқ гаплашишар экан. Айниқса соат миллари бешга яқинлашгани сари эркакларнинг сергаплиги авжига чиқади.

Шунингдек олимларнинг таъкидлашича, аёллар уйларига эртароқ кетиш учун ҳам ўз ишларини тезкорлик билан битирар эканлар.

Нозима ИСЛОМОВА.

## МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Тошкент Молия институтида талабаларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шу мақсадда ранг-баранг тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Институт домла ва талабаларининг ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан учрашувларини ўтказиб бориши эса яхши анъанага айланган. Навбатдаги ана шундай учрашувлардан бири институтда эмас, балки Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри биносида ўтказилди. Бу ерда институт домлалари ва талаба-ёшлари халқимизнинг севикли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофотининг соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Ўткир Ҳошимов билан учрашдилар.

Ёзувчи яқинда ушбу санъат кошонасида саҳнага қўйилган «Қатағон» фожиасининг яратилиши тўғрисида сўзлаб берди. Институт ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Мурод Шарифхўжаев ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг ижоди ҳамма вақт унинг китобхонларини ҳаяжонга солиб келганлигини алоҳида таъкидлади. Ёзувчи Ўткир Ҳошимов эса кейинги пайтларда ижод қилган ҳажвий асарларидан намуналар ўқиб берди.

Санъат кошонасига йиғилганлар «Қатағон» фожиасини томоша қилдилар ва спектаклдаги ролларни маҳорат билан ижро этган таниқли санъаткорлар Толиб Каримов, Эркин Комилов, Саидкомил Умаров, Гулчеҳра Иброҳимбековалар маҳоратини олқишладилар.

Саид СОЛИЕВ.

*Ножўя иш — келтирар ташвиш*

## «МЕҲРЖОН»ДАГИ ВОҚЕА

Шаҳримизнинг қоқ марказида жойлашган «Меҳржон» болалар истироҳат ва дам олиш боғи том маънода болаларнинг дам олиш масканига айланган. Лекин боғдан ғаразли мақсадда фойдаланишни ният қилиб юрган кимсалар ҳам учраб турар экан. Шуниси ачинарлики, бундай кимсалар орасида болаларнинг борлиги кишини янада ғазаблантириб юборади. Куппа-кундуз соат 13 да боғда Бектемир туманидаги 291-мактабнинг ўқувчилари Э. Пак ва С. Хвалар Собир Раҳимов туманидаги 233-мактаб ўқувчиси Г. Тимофейнинг плейерини тортиб олишади. Икки ёш талончи боғдан чиқиб қочишга уринганида милиция ходимлари Мадраҳимов ва Холбековлар томонидан қўлга олинди. Энди бу икковлон қилмишлари учун жавоб беришлари тайин.

## НАЙРАНГ ЎТМАДИ

Туйтепалик Р. Баҳодирнинг ўйлаб топган найранги охири ўзига панд берди. Баҳодир одамларни алдаш ва найранг билан бойлик орттириш қўйига берилиб кетади. Қибрай туманида яшовчи танишини анчадан бери биларди. Бир кун суҳбатда унинг моддий томондан бир оз қийналиб қолганлиги, машинасини сотишини эшитиб қолди. «Ўзим зўр харидор топиб бераман», деди Баҳодир унга. Шу мақсадда машинани сотиш учун ўзи ҳайдаб кетди. Мижозга кўрсатишим керак дея ялтираб турган қора «Волга»ни минди-кетди. Машина эгаси танишига ортиқча ишонганлигини афсуски кейин билиб қолди. Ахир ўн-ўн беш кун ўтгандан кейин на машинадан, на танишидан дарак бўлавермади. Охири сабри чидамагач ички ишлар ходимлари орқали фирибгарни топишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, фирибгар харидор топмаган, аксинча машинани ўз шахсий манфаатлари йўлида ишлатган. Машина эгаси «Волга»нинг топилганидан хурсанд. Фирибгар эса найранглари учун терговда жавоб бермоқда.

## МУШТЛАШУВНИНГ ОҚИБАТИ

«Кўкча» бозорида кечки соат 22 да икки киши муштлашиб қолишди. Ўзаро баҳслашиб турган бўлишса керак дея улар ёнидан ўтиб кетаётган кишилар ҳам унчалик эътибор беришмади. Муштлашув пичоқбозликка ўтиб кетганидан кейингина одамлар икки кишининг иши нохуш ҳодиса билан тугашини сезишиб милицияга хабар беришди. Ички ишлар ходимлари икки кимсанинг ўзаро муштлашувига чек қўйишди. Ҳеч қаерда ишламайдиган С. С. яна бир ҳеч қаерда ишламайдиган О. Ҳ.га тан жароҳати етказади. Оқибатда жабрланувчи касалхонага ётқизилди.

## «АВТОУЛОВ» ҲАВАСКОРИ

Юнусобод туманидаги Шаҳристон кўчасида кечаси соат 22 дан 45 дақиқа ўтганида «ГАЗ-2410» русумли автомашина ҳайдовчиси В. Нозимдан кўринишидан юввошгина, қўй оғзидан чўп олмаган икки йигит олиб кетишларини илтимос қилишди. Бир ўзим зерикиб кетмасдан олиб кетсам кета қолай деган мақсадда уларни машинага ўтқазди. Аммо бу яхшилиги унга ёмонлик бўлиб қайтишини билганида асло шундай қилмасди. Юнусободнинг бир чеккасига етганида ҳалиги «юввош»лар ҳайдовчини машинадан тушириб юбориб ўзлари номаълум томонга қараб йўл олишди. Бўлиб ўтган воқеа тўғрисида зудлик билан ички ишлар ходимларига хабар берган машина эгаси тўғри йўлни танлаганди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида автоулов «ҳаваскор»лари тезда ушланди.

## ҚУРОЛЛИ КИШИ

Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари навбатдаги тадбир пайтида С. О. исмли шахсни тўхтатиб текширишганида унинг ранги ўчиб кетди. Билишса бекорга эмас экан. С. О.нинг ёнидан қирқма милтиқ ва олти дона ўқ чиқди. Ҳозир унинг қирқма милтиқ ва унинг ўқларини нима мақсадда олиб юрганлиги терговда аниқланмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Ички ишлар
бош бошқармаси ходими.

*Фойдали маслаҳатлар*

## ЁНИНГИЗДА ТУТИНГ

❑ Ҳўл бўлиб кетган пойабзални қуритиш учун ичига газета қоғози тиқиб, тўлдириб қўйинг.

❑ Пойабзални асло печка, иситгич ёнида қуритманг.

❑ Пойабзал рангига мос ранг танланг. Рангсиз мой фақат ранги оч пойабзални мойлаш учун ишлатилади. Агар ранги оч пойабзалга ранги тўқ мой суртсангиз пойабзалингиз хира бўлиб қолади. Агар мой қуюқлашиб қолган бўлса, озгина скипидар қўшиб қўйинг.

❑ Сариқ, жигарранг ёки қизил чармли пойабзални совуқ сувда совунлаб ювиш мумкин. Сўнгра қуруқ газлама билан яхшилаб артилади. Пойабзалдаги эски доғни бензин, лимон шарбати ёки пиёз билан артиб кетказилади. Пойабзал териси майин бўлиши учун рангсиз мой суртилади.

Маърифат ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

